

1. Халол деб ёзилгандан кўра Халоллик шартларига жавоб бера оладиган Кошер деган белгиси бўлиши керак (нима учун Халол белгиси эмас дейилса, чунки, кўпгина Халол белгилли музкаймоқларда алкогольдан ишлаб чиқарилган ўсимлик ва хушбўйлантурувчи моддалар кўшилганлиги айтилади).

Халол деб чиқарадиган ташкилотчиларнинг гапига караганда 0,1 фоиз ёки 0,5 фоиз алкоголь халол ва у одамни маст қилмайди, деб таъкидлашади. Лекин, бизда “0,1 ва 0,5 фоизлик алкоголь одамни маст қилмайди, бўлаверади” деган ҳадис йўқ.

2. Таркибида табиий ва сунъий нарсалар бўлмаслиги керак. Кўпгина табиий ва сунъий хушбўйлантурувчи ёки таъм берувчилар алкогольни эритиш орқали ишланган. Бу алкоғологик табиий суюқлик ёки сунъий таъм берувчиларни музкаймоқка кўшишган ва пастеризациядан (бактерияларни йўқ қилиш учун олиб бориладиган махсус киздириш усулидан) кейин ҳам алкоғолик нарсалар ўлмайди, нобуд бўлмайди. Ва алкоголь доимо асл холича қолаверади.

3. Ваниль (Ванилла) ёки хушбўйлантурувчи Ванилин бўлмаслиги керак. Чунки хушбўй хидли Ванилин сунъий суюқлиги аслида алкоголь ҳамда Ванилин ўсимлигининг аралашмасидан пайдо бўлади.

Америка Озик-овқат Федерацияси фикрига кўра, Ванилин ишлаб чиқаришда таркибининг 35 фоизи спирт бўлар экан; ҳар ҳолда буни Ванилин дея олмасмиз.

4. Ванилиннинг дуккаги ёки ванилин данаги бўлиши мумкин эмас, чунки улар ниҳоятда қиммат. Аксар ҳолатда ванилин дуккаги ёки ванилин ўсимлиги аслида ванилин уругидан келиб чиққан. Ванилинни спирт билан аралаштириб, сувини олгандан кейин қолган ванилиннинг ўзи қайта қуритилади ва ерга экилади; ҳамда, қайта ванилин ўсиб чиқади. Бу таом саноати соҳасида ванилин ўсимлиги ёки ванилин таёқчасимон ўсимлиги деб аталади.

5. Каррагинан (Карраген, Carrageenan) ҳам бўлмаслиги керак, чунки каррагенни қайта ишлаб чиқаришга қимёвий спирт ёки алкогольни ўзгартириб, калций хлоридлардан фойдаланилади.

6. Музкаймоқлар ром (қучли маст қилувчи спиртли ичимлик) таъмидан ҳам пок бўлиши керак. Аксар маза ва таъм берувчи суюқликларда ром ишлатилиб келинади. Музкаймоқ бу моддадан ҳам тоза бўлиши лозим.

7. Музкаймоқ устида қандолат махсулотлари ёки ёпишқок қиладиган қопламалар бўлмаслиги зарур, чунки ўша ялтирок ва рангли нарсалар ҳам спиртни қуйдириш орқали ҳосил қилинади.

8. Ва охириги, ҳар хил нарсалардан олинган махсулотлар асосан, “Нааген Даазс Минт 5” номли музкаймоқда ялпиз (минт, ментол) моддаси бор. Кўп сугориб олинadиган махсулотлар аслида алкоголь билан сугорилиб, қайта ишлов бериш орқали тайёрланади.

46 та Халол музкаймоқлар ва музкаймоқ крем (топпинг)ларига MCG веб-сайтида тўхталинган ва уларнинг музкаймоғига ҳеч қандай қимёвий қўшимча моддалар қўшилмаган.

Америка Қўшма Штатларида фақат битта Халол ванилинли музкаймоқ фирмаси мавжуд. Pacific Valley Dairy (“Осойишта, сокин водий”. Сутли). (Мурожаат учун тел: 636-334-4700 [www.pvdairy.com](http://www.pvdairy.com), мурожаат қилинг ва ўз шахрингиздан топишга ҳаракат қилинг).

Бу – Халол ванилинли музкаймок. 2007 йил Чикаго шаҳрида ISNA битими бўйича халол ванилинли музкаймок сотиш йўлга қўйилди. Бу халол; ҳамда Кошер сертификати ҳам бор, гидрокарбон (Халол эритувчи) кимёвий нарсалар билан сунъий ванилин ишлаб чиқарилмоқда. Бу Ванилинли музкаймок барча супермаркетларда ҳам мавжуд эмас; фақатгина озик-овқат соҳасида хизмат кўрсатадиган ўринлар ва тамаддихоналарда учрайди.

Манба: [www.muslimconsumergroup.com](http://www.muslimconsumergroup.com)